

## Истихора дуоси

05:00 / 09.01.2017 84595

Истихора сўзининг луғавий таржимаси яхшилик сўрашдир. Бир банда бир ишни қилишга иккиланиб қолса, Аллоҳ Таолодан унинг башоратини беришини сўрайди.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга турли ишларда истихора қилишни худди Қуръондан бир сурани ўргатгандек ўргатар эдилар: «Бирингиз бир ишни қилмоқчи бўлса, икки ракъат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳим! Сендан илминг билан яхшиликни сўрайман. Қудратингдан қудрат сўрайман. Улуғ фазлингдан сўрайман. Албатта, Сен қодир бўлсан, мен қодир эмасман. Сен биласан, мен билмайман. Сен барча ғайбларни ўта яхши билувчи Зотсан.

Аллоҳим! Агар бу ишдан менинг динимда, дунёимда, ишимнинг оқибатида, тезида ҳам, кечида ҳам яхшилик борлигини билсанг, уни менга тақдир қилгин. Агар Сен бу ишдан менинг динимда, дунёимда, ишимнинг оқибатида, тезида ҳам, кечида ҳам ёмонлик борлигини билсанг, уни мендан, мени ундан бургин. Менга қаерда бўлса ҳам, яхшиликни Ўзинг тақдир қилгин ва мени рози қилгин», десин ва сўнг ҳожатини айтсин».

Шарҳ: Демак, бир ишни қилиш-қилмасликни билмай, қийналган киши тунда, ётишдан олдин икки ракъат намоз ўқиб, шу дуони қилади. Кечаси туш кўриб, унда яхшиликка ишора бўлса, ўша ишни қилаверади. Агар ишора яхши бўлмаса, ўша ишни қилмай қўяверади.

Агар туш кўрмаса, эрталаб кўнгли равшан бўлиб, хурсанд бўлиб, кайфияти чоғ бўлиб уйғонса ҳам, ўша ишни қилаверади.

Кўнгли хижил бўлиб, ёмон кайфиятда уйғонса, бу ишни қилмайди. Биринчи кун ўқиганда бўлмаса, иккинчи кун ўқийди. Бўлмаса, бирор ишора бўлмагунча ўқийверади.

Истихора ғойибни билишга ҳаракат қилиш эмас. Истихора ғойибни ўта яхши билувчи Аллоҳ таолодан тазарруъ ила яхшиликка эришишни сўрашдир. Истихора қилувчи одам уни ғойибни билиш воситаси дея эътиқод қилиш мумкин эмас. Балки у истихорани яхшилик сўраш воситаси

деб эътиқод қилиши керак. Инсон ғойбни билмайди ва билиши мумкин ҳам эмас.

Шайх Камолиддин Замилконий айтади: «Икки ракъат истихора намозини ўқиган одам, кейин нимани истаса шуни қилаверсин. Кўнгли ёришиши шарт эмас. Кўнгли ёришса ҳам, ёришмаса ҳам бари бир. Зотан ҳадисда кўнгил ёришиши шарт қилинмаган».

Истихорани ортидан фойда ёки зарар келадиган муҳим ишларда қилинади. Вожиб ёки мустаҳаб, ҳаром ёки ҳалолга ўхшаш нарсаларда қилинмайди. Оила қуриш, уй сотиб олиш каби ишларда истихора қилинади.

Бошқа нарсаларда кундалик дуоларнинг ўзи етади.

Ҳаж ёки умра каби яхшилик ишлардаги истихора уларнинг қилиш учун эмас, қачон қилишнинг ишорасини олиш учун бўлади.

Истихора дуосини ташаҳҳуддан кейин, саломдан олдин ўқийди. Сўрайдиган нарсасини тасаввур қилса ҳам етади.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда -Фатҳ масжидида – Душанба куни, Сешанба куни ва Чоршанба куни дуо қилдилар. Бас, Чоршанба куни икки намознинг ўртасида ижобат қилиндилар.

Шундан кейин мен қачон бир оғир иш қилмоқчи бўлсам, ўша вақтни пойлаб, Чоршанба куни, икки намознинг ўртасида дуо қиладиган бўлдим. Албатта, ижобат билдим».

Шарҳ: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ривоятда келган дуолари Аҳзоб урушида бўлган. Фатҳ масжиди ғарб тарафдаги Силаъ тоғининг тепаликларидан бирида бўлган. Уни Аҳзоб масжиди ҳам дейилади.

Ўшанда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам тинимсиз дуо қилдилар. Ушбу ривоятда келганидек, Чоршанба куни У зотнинг дуолари қабул бўлди.

Аллоҳ таоло душманларга қишнинг совуқ кечасида ўта совуқ шамол юборди. Шамол душманнинг чодирларини, қозонларини учириб кета бошлади. Улар енгилиб ортга қочишга турдилар.

Чоршанба куни икки намознинг ўртасидаги дуолар ҳам қабул бўлар экан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари қабул бўлганлигини кўрган саҳобалар шу дуонинг қабул бўлиш шартларини ўрганиб олиб, ҳаётларида бунга амал қилган эканлар.

Ҳозиргача ҳам илмли ва аҳли фазл кишилар ўзларининг муҳим ишларини Чоршанба куни бошлайдилар ва аҳамиятли дуоларини ҳам ўша куни қилиш пайдан бўладилар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдим. Бир киши: «Ё бадийъас самаваати! Ё ҳаййу! Ё қайюум! Албатта, Сендан сўрайман...» деди.

«Бу нима ила дуо қилганини билдингизми? Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, у Аллоҳнинг агар дуо қилинса, албатта ижобат бўладиган исми билан дуо қилди», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдаги дуонинг маъноси қуйидагича:

«Эй осмонларни йўқдан бор қилган зот! Эй барҳаёт зот! Эй доим бор бўлиб, қоим бўлиб турувчи зот! Мен Сендан сўрайман...».

Демак, мана шундай сифатларни айтиб қилинган дуолар ҳам ижобат бўладиган дуолар бўлар экан. Бу ҳадисда ҳам саҳоба киромнинг ўз лафзлари билан қилган дуолари келтирилмоқда. Бундай дуони ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тасдиқ қилган эканлар.

Аллоҳнинг агар дуо қилинса, албатта ижобат бўладиган исмини Исмул Аъзам дейилади. Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан қай бири айнан Исмул Аъзам экани ҳақида уламоларнинг қирқ хил гапи бор. Имом Суютий бу ҳақда алоҳида китоб тасниф қилганлар.

Ҳофиз Ибн Ҳажар: «Санад жиҳатидан энг кучлиси, Аллоҳу лаа илаҳа илла ҳувал Аҳад ас-Сомад. Аллазий лам ялид, ва лам йуулад. Ва лам якун лаҳу куфван аҳад» деган.

Шавконий: «Менимча, Исмул Аъзам – Лаа илаҳа илла ҳувал Ҳайююл Қайююм», деган.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Менга намозимда қиладиган дуони ўргатиб қўйинг», деди.

«Аллоҳим! Мен ўзимга ўзим кўп зулм қилдим. Гуноҳларни Сендан ўзга мағфират қилувчи йўқ. Ўзинг мени Ўз ҳузурингда мағфират қилгин. Албатта, Сен кўп мағфират қилувчи ва раҳмли зотсан», дегин», дедилар».

Шарҳ: Бу дуони намознинг қаерида ўқилиши айтилмаган. Уламолар таъкидлайдиларки, намознинг икки жойида дуо ўқиш афзал бўлади. Биринчиси саждада, иккинчиси ташаҳҳудда. Бу ҳақда саҳиҳ ривоятлар келган.

Бу дуода банданинг нуқсларини тўла тан олиши бор. Шунингдек ундан инъомнинг энг олийсини сўраш ҳам бор. Мағфират гуноҳларни беркитиш ва ўчиришдан иборатдир. Раҳмат эса яхшиликларни етказишдан иборатдир.